


VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти, хусусан ташқи савдо соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси аҳолининг турмуш даражасига бевосита ўз таъсирини ўтказади.

2021 йил январь-март ойлари якуни билан вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 666,0 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 3,1 млн. АҚШ долларига ёки 0,5 % га ўсди.

**Ташқи савдо айланмаси ва баланси
(январь-март, млн. АҚШ доллари)**



Маълумот учун: Андижон вилояти товарлар ташқи савдоси статистика кўрсаткичларини шакллантиришида, Ташқи иқтисодий фаолият Товар номенклатураси (кейинги ўринларда - ТИФ ТН) билан биргаликда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (кейинги ўринларда - XCCT) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гурухлаш учун имкон беради. Товарларни XCCT бўйича кодлаштириши, ТИФ ТН ва XCCT ўртасида ўтиши калитлари ёрдамида амалга оширилади.

Андижон вилояти билан ташқи савдо айланмаси
энг юқори улушга эга бўлган давлатлар
(2021 йил январь-март, млн. АҚШ доллари, улуши, % да)

ТСА да экспорт ҳажми 192,3 млн. АҚШ долларига (54,5 % га ўсди) ва импорт ҳажми 473,7 млн. АҚШ долларига (12,0 % га камайди) етди. Ҳисобот даврида 281,4 млн. АҚШ доллари қийматида пассив ташқи савдо баланси қайд этилди.

Топ-10 давлатлар	ТСА	Экспорт	Импорт	Улуши, % да
Корея Республикаси	296,7	0,1	296,6	44,6
Хитой Халқ Республикаси	89,5	23,5	66,0	13,4
Қирғиз Республикаси	88,8	86,6	2,1	13,3
Россия Федерацияси	63,9	54,4	9,5	9,6
Қозоғистон	36,7	13,5	23,1	5,5
Тайланд	22,9	0,1	22,8	3,4
Туркия	21,5	5,2	16,3	3,2
Бразилия	8,2	-	8,2	1,2
Чехия Республикаси	3,8	-	3,8	0,6
АҚШ	3,6	2,9	0,8	0,5

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификация қилишда, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида, экспорт таркибида сезиларли ўзгаришга эришилди.

Андижон вилояти, жаҳоннинг 58 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. ТСА нинг нисбатан салмоқли ҳиссаси Корея Республикасида (44,6 %), Хитой Халқ Республикасида (13,4 %), Қирғиз Республикасида (13,3 %), Россия федерациясида (9,6 %), Қозоғистонда (5,5 %) ва Таиланд (3,4 %) қайд этилган.


Шунингдек, қўшни давлатлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий, савдо-саноат ҳамда маданий соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини кўриш мумкин.

Хусусан, қўшни давлатлар Қозогистон ва Қирғиз Республикалари билан ТСА да сўнгти йилларда катта ўзгаришлар кузатиласкан. Мисол учун, сўнгти уч йилда ТСА Қирғиз Республикаси, Тожикистон ва Афғонистон билан ташқи савдо айланмаси ошгани кузатилмоқда.

Бошқа давлатлар (қўшни давлатлардан ташқари) билан эса, ТСА да энг юқори улуш Корея Республикаси, ХХР, Россия Федерацияси ва Тайланд давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

Вилоятимизда ташқи савдони кўллаб - қувватлаш ҳамда МДҲ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида, 2021 йил январь-март ойларида, ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатларининг улуши 29,7 ни ташкил этиб, ташқи савдо айланмаси 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 30,7 % га ўсган.

МДҲ ва бошқа хорижий давлатлар билан ташқи савдо айланмаси динамикаси (2021 йил январь-март, млн. АҚШ доллар, улус, % да)



Бошқа хорижий давлатларнинг ТСА 2021 йил январь-март ойларида 2020 йилнинг шу даврига нисбатан ўси (8,5 % га камайган) ва жами ТСА даги улуши 70,3 % ни ташкил этди.

**Андижон вилоятининг ҳамкор давлатлар билан ташқи савдо айланмаси
динамикаси
(январь-март, млн. АҚШ доллари)**


Давлатлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Корея Республикаси	373,7	360,5	296,7
Экспорт	0,2	0,1	0,1
Импорт	373,5	360,4	296,6
Сальдо	-373,3	-360,3	-296,5
ХХР	72,7	68	89,5
Экспорт	33,7	17,7	23,5
Импорт	39	50,3	66
Сальдо	-5,3	-32,6	-42,5
Қозоғистон	20,8	35,4	88,8
Экспорт	17,6	31,5	86,6
Импорт	3,2	3,9	2,2
Сальдо	14,4	27,6	84,4
Қирғиз Республикаси	37,5	49,1	63,9
Экспорт	31,3	47,0	54,4
Импорт	6,2	2,1	9,5
Сальдо	25,1	44,9	44,9
Россия Федерацияси	54,5	56,2	36,7
Экспорт	12,9	12,8	13,6
Импорт	41,6	43,4	23,1
Сальдо	-28,7	-30,6	-9,5
АҚШ	15,3	4,0	22,9
Экспорт	0,1	0,1	0,1
Импорт	15,2	3,9	22,8
Сальдо	-15,1	-3,8	-22,7

Андижон вилоятининг экспорти

2021 йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг экспортёрлари сони 225 тани ташкил этиб, улар томонидан 192,3 млн. АҚШ доллари (қимматбаҳо металлар экспортидан ташқари) қийматидаги (2020 йилнинг мос даврига нисбатан 54,5 % га ўси) товар ва хизматлар экспорт қилиниши таъминланди.

Экспорт таркибида товарлар улуши 99,4 % ни ташкил этиб, улар машиналар ва транспорт асбоб ускуналари (47,3 %), турли хил тайёр буюмлар (23,8 %), саноат товарлари (23,5 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (2,4 %) ва ноозик-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари (2,1 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Экспорт таркиби (ХССТ)
(2021 йил январь-март, жамига нисбатан % да)



Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлари	Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар
Ичимлик ва тамаки	Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари
Ноозик-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари	Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	Турли хил тайёр буюмлар
Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	Хизматлар

МДҲ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт таркиби

(2021 йил январь-март)

ХССТ таркиби	Минг АҚШ доллары			Умумий ҳажмга нисбатан, % да		
	Жами	МДҲ давлат- лари	Бошқа давлат- лар	Жами	МДҲ давлат- лари	Бошқа давлат- лар
Жами экспорт	192 275,0	161 058,6	31 216,4	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:						
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	4 642,4	4 364,2	278,2	2,4	2,7	0,9
Ичимлик ва тамаки	68,9	68,9	-	0,0	0,0	-
Ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари	4 035,3	949,7	3 085,6	2,1	0,6	9,9
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга үхшаш материаллар	7,9	7,9	-	-	-	-
Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	0,2	0,2	-	-	-	-
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга үхшаш маҳсулотлар	330,2	296,1	34,1	0,2	0,2	0,1
Асосан материал турига қараб классификация- ланган саноат товарлари	45 133,0	18 353,6	26 779,5	23,5	11,4	85,8
Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар	90 982,6	90 548,8	433,9	47,3	56,2	1,4
Турли хил тайёр буюмлар	45 839,6	45 479,1	360,5	23,8	28,2	1,2
Хизматлар	1 234,8	990,2	244,6	0,6	0,6	0,8

МДҲ ва бошқа мамлакатларга экспортнинг йўналиши бўйича фарқланишлар мавжудлиги кузатилмоқда. Хусусан, МДҲ мамлакатларига экспортнинг асосий қисми қора ва рангли металлар ҳиссасига тўғри келмоқда, кейинги ўринларда экспорт ҳажми бўйича машина ва ускуналар ва классификацияланган саноат товарлари, турли хил тайёр буюмлар ҳамда хизматларга тўғри келмоқда.

МДҲ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт таркиби динамикаси

(2021 йил январь-март)

ХССТ таркиби	2020 йилнинг январь-мартига нисбатан, % да		
	Жами	МДҲ давлатлари	Бошқа давлатлар
Жами	154,5	127,1	80,5
шу жумладан:			
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	125,0	2,7	0,9
Ичимлик ва тамаки	2,0 м.	-	-
Ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари	22,6	0,6	9,9
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	14,5 м.	-	-
Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	0,1	-	-
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	115,2	0,2	0,1
Асосан материал турига қараб классификация-ланган саноат товарлари	150,5	11,4	85,8
Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар	2,3 м.	56,2	1,4
Турли хил тайёр буомлар	146,9	28,2	1,2
Хизматлар	120,1	0,6	0,8

2021 йил январь-март ойларида экспорт қилинган товарлар ва хизматлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, товарлар ва хизматлар таркибида сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади, бироқ шуни таъкидлаш жоизки, 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар, ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари, минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар ва саноат товарларидан ташқари қолган барча товар гурухларида пасайиш қузатилди.

Сўнгги уч йилда МДХ мамлакатларига экспорт ҳажми ошиди ва уларнинг жами экспортдаги улуси 2019 йил январь-мартдаги 61,1 % дан 2021 йилнинг январь-мартида 83,8 % га етди. Мос равиша бошқа мамлакатларнинг жами экспортдаги улуси 16,4 % ни ташкил этди.

МДХ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт таркиби динамикаси
(2021 йил январь-март, млн. АҚШ доллар, улуси, % да)




2021 йилнинг январь-март ойлари якунидаги товар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкор давлатлар таркибида Қозогистон (45,1 %), Қирғиз Республикаси (28,3 %), Хитой Халқ Республикаси (12,2 %), Россия Федерацияси (экспорт умумий ҳажмининг 7,0 %), Туркия (2,7 %), Украина (1,5 %) ва Молдова (0,8 %) давлатлари сақланиб қолмоқда ҳамда уларнинг жами экспортдаги улуси 97,7 % ни ташкил этмоқда.

Андижон вилоятининг айрим давлатлар билан экспорт таркиби
(2021 йил январь-март, улуши, % да)

Товар ва экспорт хизматлар бўйича еттига асосий ҳамкор давлатлардан етакчи бўлган Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси экспортдаги улуси бўйича пешқадамликни олди.

Ҳамкор мамлакатларнинг товарлар ва хизматлар экспорти бўйича географияси 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 50 давлатдан 32 давлатга кўпайди.



Асосий ҳамкор давлатлар	Экспорт	Ўсиш суръати, % да
Қозоғистон	86,6	2,4 м.
Қирғиз Республикаси	54,4	115,8
Хитой Халқ Республикаси	23,5	5,3 б.
Россия Федерацияси	13,5	106,2
Турция	5,2	180,3
Украина	2,9	108,6
Молдова	1,5	2,2 м.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти (2021 йил январь-март, минг АҚШ доллар)

Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми бўлган 5,0 млн. АҚШ доллар қийматли 10,8 минг тоннадан зиёд мева-сабзавотлар экспорт қилинган. Бунда 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 млн. АҚШ долларида ўсиш кузатилиб, 38,1 % га кўпайди. Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2,8 млн. АҚШ долларига тенг 9,1 минг тонна сабзавот, шунингдек, 0,9 млн. АҚШ доллари қийматидаги 0,7 минг тонна мева ва резаворлар экспорт қилинди.

Хукумат томонидан қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис экспорт қилинаётган мева ва сабзавотларнинг улуши 2,1 % ни ташкил этди.



**Мева ва
резавор-лар**

**695,6-
тонна
862,4-
минг
АҚШ
доллар**

Узум

**223,1-
тонна
423,3-
минг
АҚШ
доллар**

**Қовун ва
тарвуз**

**36,5-
тонна
12,4-
минг
АҚШ
доллар**

Ер ёнғоқ

**579,6 -
тонна
587,4 -
минг
АҚШ
доллар**

**Сабза-
вотлар**

**9 118,0 -
тонна
2 804,9 -
минг
АҚШ
доллар**

**Қалам-
пир**

**196,2 -
тонна
290,2 -
минг
АҚШ
доллар**


Мева ва сабзавот маҳсулотларининг асосий экспорт бозорлари улуш ҳисобида, Қирғиз Республикаси (80,6 %), Россия Федерацияси (15,2 %), Германия (2,9 %), Латвия (0,6 %), Туркманистон (0,4), ХХР (0,2 %) ва Беларус Республикаси (0,1) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

Андижон вилоятининг импорти

2021 йил январь-март ойларида импорт ҳажми 473,4 млн. АҚШ доллари ва 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 12,0 % га камайди.

Импорт таркибида энг катта улуш, машина ва транспорт асбоб ускуналари (49,8 %), хизматлар (25,2 %), саноат товарлари (14,4 %) ва турли хил тайёр буюмлар (4,7 %)га тўғри келди.

Импорт таркиби (ХССТ)
(2021 йил январь-март, жамига нисбатан % да)



Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлари	Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар
Ичимлик ва тамаки	Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари
Ноозик-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари	Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	Турли хил тайёр буюмлар
Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	Хизматлар

Товар ва хизматлар импорти динамикаси таҳлилига кўра, 2021 йилнинг январь-мартида импорт қилинган товарлар ҳажми, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 64,7 млн. АҚШ долларига камайди ва 473,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 119,4 млн. АҚШ долларига етди.

МДХ ва бошқа хорижий давлатларга импорт таркиби
(2021 йил январь-март)


ХССТ таркиби	Минг АҚШ доллары			Умумий хажмга нисбатан, % да		
	Жами	МДХ давлат- лари	Бошқа давлатлар	Жами	МДХ давлат- лари	Бошқа давлат- лар
Жами экспорт	473 700,2	36 957,1	436 743,2	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:						
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	4 197,0	1 403,3	2 793,7	0,9	3,8	0,6
Ичимлик ва тамаки						
Ноозик-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари	270,1	1 600,7	1 369,4	0,6	4,3	0,3
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	3 020,4	2 009,3	1 011,1	0,6	5,4	0,2
Ҳайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	455,1	408,8	46,4	0,1	1,1	0,0
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	17 377,9	3 011,4	14 366,5	3,7	8,1	3,3
Асосан материал турига қараб классификациялан ган саноат товарлари	68 233,3	20 756,9	47 476,4	14,4	56,2	10,9
Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар	235 728,2	7 176,4	228 551,9	49,8	19,4	52,3
Турли хил тайёр буюмлар	22 307,7	555,9	21 751,8	4,7	1,5	5,0
Хизматлар	119 410,5	34,5	119 376,0	25,2	0,1	27,3

Импортнинг энг катта улуши, жумладан, саноат товарлари (56,2 %) ҳамда ноозик-овқат ҳом ашё, (ёқилғидан ташқари) (4,3 %) МДХ мамлакатларига тўғри келади, бошқа хорижий мамлакатларга эса энг катта улуш машиналар ва асбоб-ускуналар (52,3 %), саноат товарлари (10,9 %) ва турли хил тайёр буюмлар (5,0 %) хиссасига тўғри келади.

**МДХ ва бошқа хорижий давлатлардан импортнинг ўсиш суръатлари
(2021 йил январь-март)**

ХССТ таркиби	2020 йил январь-мартига нисбатан, % да		
	Жами	МДХ давлат- лари	Бошқа давлатлар
Жами	88,0	73,8	89,4
шу жумладан:			
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик хайвонлар	122,5	178,1	105,9
Ичимлик ва тамаки			
Ноозиқ-овқат ҳом ашё, ёқилғидан ташқари	89,3	105,2	75,8
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	174,2	166,8	191,0
Хайвон ва ўсимлик мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	55,9	50,2	-
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	83,9	89,6	82,8
Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари	70,7	65,3	73,4
Машиналар ва транспорт асбоб ускуналар	66,4	69,0	66,3
Турли хил тайёр буюмлар	84,7	2 463,5	82,7
Хизматлар	391,6	19,0	393,9


МДХ ва бошқа хорижий давлатларга импорт таркиби динамикаси
(2021 йил январь-март, млн. АҚШ доллар, улус, % да)



Хисобот даври якунига қўра, импорт бўйича ҳамкор давлатлар орасида Корея Республикаси умумий импорт ҳажмида 62,6 % улуси билан XXРсини (13,9 %) ортда қолдирган ҳолда, биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Андижон вилоятининг айрим давлатлар билан импорт таркиби, % да (2021 йил январь-март)

2021 йил январь-март ойлари якуни бўйича Андижон вилояти томонидан 53 давлат билан товарлар ва хизматлар импорти амалга оширилди.



Етти йирик ҳамкор давлатлар (Корея Республикаси, ХХР, Россия Федерацияси, АҚШ, Турция, Қирғиз республикаси ва Таиланд) жами импортнинг 93,4 фоизини ташкил қилади, бу 442,5 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Вилоятдаги сармоявий муҳит яхшилангани сари ушбу соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижасида машина ва ускуналар, шунингдек, уларнинг қисмлари импортининг ўсиши табиийдир. Шундай қилиб, Корея Республикаси, ХХР, Россия Федерацияси, Турция ва Таиланд томонидан киритилган катта ҳажмдаги инвестициялар натижасида, маҳсулотлар импорти ҳажмида ушбу мамлакатларнинг юқори улуши сақланиб қолмоқда.

Машина ва ускуналар импорти динамикаси (2021 йил январь-март, млн. АҚШ доллары)

2021 йил январь-март ойлари якуни билан 235,7 млн. АҚШ доллары микдорида машина ва транспорт асбоб-ускуналари импорти амалга оширилган бўлиб, умумий импорт ҳажмининг 49,8 фоизини ташкил қилди.

Импорт қилинган ушбу соҳада автомобиллар (72,6 %), аниқ соҳалар учун маҳсус мўлжалланган машиналар (73,5 %), саноат учун маҳсус бўлмаган машиналар ва уларнинг деталлари (9,4 %) эгаллаган.

Машина ва ускуналар	Млн. АҚШ доллари	
	2020 йил	2021 йил
Автомобиллар	265,3	163,3
Аниқ соҳалар учун маҳсус мўлжалланган машиналар	38,0	28,0
Саноат учун маҳсус бўлмаган машиналар ва уларнинг деталлари	23,4	19,7

2021 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, машина ва ускуналар импорти 2020 йил январь-март ойларига нисбатан камайиш (33,6 % га камайган) қайд этилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан саноат соҳасининг автомобилсозлик тизими бутловчи қисмлари импорти ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда ички бозорни сифатли ва арzon автомобил билан таъминлаш бўйича бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.